

## ЁҒ-МОЙ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Боронов Бобур Фарходович**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис интитути докторанти, и.ф.ф.д (PhD),

E-mail: [bobur-boronov@mail.ru](mailto:bobur-boronov@mail.ru)

**Аннотация.** Ушбу мақолада корхоналарда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил этиш, хусусан ёғ-мой саноати корхоналарида ушбу харажатларнинг назарий асосларини такомиллаштириш мақсадида “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом” бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ёғ-мой саноати корхоналари, ёғ-мой маҳсулотлари, бухгалтерия ҳисоби, ишлаб чиқариш харажатлари, бевосита харажатлар, билвосита харажатлар маҳсулот таннарихи.

**Аннотация:** В данной статье в целях совершенствования теоретической базы данных затрат для организации хозяйственного учета на предприятиях, в частности, на предприятиях масложировой промышленности, разработаны предложения и рекомендации по «Положения о составе затрат по производству и реализации продукции (работ, услуг) и о порядке формирования финансовых результатов».

**Ключевые слова:** предприятия масложировой промышленности, масложировая продукция, бухгалтерский учет, себестоимость продукции, прямые затраты, косвенные затраты, себестоимость продукции.

**Abstract:** In this article, in order to improve the theoretical database of costs for the organization of economic accounting at enterprises, in particular, at enterprises of the oil and fat industry, proposals and recommendations have been developed on the “Regulations on the composition of costs for the production and sale of products (works, services) and on the procedure for the formation of financial results.”.

**Key words:** oil and fat industry enterprises, oil and fat products, accounting, production cost, direct costs, indirect costs, production cost.

### **Кириш.**

Ўзбекистон Республикасида солиқ кодексига мувофиқ, даромад ва харажатларни бухгалтерияда ҳисобга олишнинг методологиясини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори<sup>6</sup> қабул қилинган.

Мамлакатимизда бу каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилганига қарамадан, бугунги кунда, ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни хўжалик юритувчи субъектларнинг турли фаолиятларини инобатга олган ҳолда, халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга эҳтиёж сезилмоқда. Хусусан, ёғ-мой саноати корхоналарида уларнинг ишлаб чиқариш жараёнларидаги хусусиятлари ва маҳсулот таннархини аниқлаш жараёнларини инобатга олган ҳолда Республикаимизда фаолият кўрсатаётган 500 тадан ортиқ турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар учун “Ёғ-мой саноати корхоналарида маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом” лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд, деб ўйлаймиз. Ёғ-мой саноати корхоналарида ушбу низомни қўллаш маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ҳисобга олишга, билвосита харажатларни маҳсулот таннархига олиб бориш тартибларини аниқлашга ва ҳисоблашга ҳамда молиявий ҳисобот шаклларида шаффоф акс эттиришга имкон беради. Шу боис, ёғ-мой саноати корхоналарида ушбу масалаларни тўғри ҳал этиш бугунги куннинг ҳисоб олдидаги долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Ҳиндистоннинг харажат ва ишлар бухгалтерлари институтида кичик ҳисоб ходимлари имтиҳони учун тайёрланган “Бошқарув ҳисоби” ўқув материалларида “Харажатларни ҳисобга олишнинг мақсади ички менеджерларга операцияларни яхшироқ режалаштириш ва назорат қилиш ҳамда ўз вақтида, қарорлар қабул қилиш учун маълумот беришдир. Дастлабки босқичларда харажатлар ҳисоби молиявий ҳисобнинг кенгайтмаси сифатида қаралади.”<sup>7</sup>, деб келтирилган.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 1999 йил 5 февраль. 54-сон.

<sup>7</sup> Management Accounting. Study material prepared by ICWAI for J.A.O. (CIVIL) examination. [https://cga.nic.in/writereaddata/management\\_accounting.pdf](https://cga.nic.in/writereaddata/management_accounting.pdf)

Бошқа таниқли рус олими Я.В.Соколов эса, харажатларни қуйидагича таснифлайди: “Харажатларни ҳисоблаш икки ҳолатда зарур: режалаштирилган ва режалаштирилмаган. Биринчиси, кутилаётган рентабелликни аниқлаш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш ва нархларни белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун мўлжалланган. Айнан ушбу калькуляция корхонадаги иқтисодий ишларнинг характерини белгилайди. Иккинчиси, айрим турдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ иқтисодий, ёки назорат масалалари билан боғлиқ ҳолда, шунингдек бир вақтнинг ўзида барча турдаги маҳсулотларнинг таннархини ҳисоблашнинг статистик муаммоси билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлиши мумкин”<sup>8</sup>.

Ишлаб чиқариш таннархи – бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар йиғиндиси. Маҳсулот таннархи калькуляцияси – ишлаб чиқариш бирлиги ёки бирликлар гуруҳини ишлаб чиқаришга ёки ишлаб чиқаришнинг айрим турларига тегишли бўлган қиймат шаклдаги харажатларни ҳисоблаш<sup>9</sup>.

### Таҳлил ва натижалар.

Юқорида келтирилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларининг тавсифи ва таснифий асослари, шунингдек ёғ-мой маҳсулотларининг асосий, ёндош ва ёрдамчи маҳсулот турлари бўйича уларнинг таннархини аниқлаш тартиблари махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топмаган. Бугунги кунга қадар, барча хўжалик юритувчи субъектлар қатори ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари ҳам бухгалтерия ҳисобини юритишда Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори<sup>10</sup>га асосан амалга ошириб келишган. Аммо, ушбу Низомда ёғ-мой саноати корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнлари ва ушбу жараёнда харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинмаган. Бу эса, ушбу тармоқ корхоналарида молиявий ва бошқарув ҳисобининг камчиликларидан ҳисобланиб, бошқарув ходимлари томонидан тўғри қарорлар қабул қилишга имкон бермайди ҳамда корхоналар томонидан солиқ ва

<sup>8</sup> Соколов Я.В. Управленческий учет: Учебное пособие / под ред. Я.В.Соколова.— М.: Магистр, 2012.— 431 с.— (Бакалавриат).— ISBN 978-5-9776-0077-4.

<sup>9</sup> <https://glavkniga.ru/situations/s505405#>

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 1999 йил 5 февраль. 54-сон.

статистика ҳисоботларига тақдим этиладиган ҳисоботларнинг реаллигига таъсир кўрсатади.

Бизнингча, ушбу муаммоларни бартараф этиш ҳамда ёғ-мой саноати корхоналарида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш мақсадида **“Ёғ-мой саноати корхоналарида маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”** лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни ушбу саноат тармоқларида фаолият кўрсатаётган 500 тадан ортиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига жорий этиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот давомида, ушбу Низомда “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”да келтирилган бандларда ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолиятлари билан боғлиқ бўлган жиҳатларни белгилаб чиқдик.

***1-жиҳат.** “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг “Б” бандида келтирилган “Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар” таркиби бўйича таклифлар.*

Ушбу банд бўйича, **1-таклиф.** Ушбу Низомга мувофиқ, корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қуйидаги харажатлар кириши белгилаб берилган:

- \* бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- \* бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;
- \* бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар<sup>11</sup>.

Ушбу норматив ҳужжатда маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларни таснифлашда билвосита ва устама харажатлар алоҳида харажатлар сифатида кўрилган. Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига олиб бориладиган харажатлар таркибини аниқ кўрсатиш, яъни билвосита ва устама харажатларни битта гуруҳда, алоҳида акс эттириш ҳамда уларни бевосита харажатлардан ажратиб олиш лозим, деб ўйлаймиз. Тадқиқот давомида М.А.Набиевнинг бу борадаги фикрини ўрганиб чиқдик: “билвосита моддий ва билвосита меҳнат харажатларини устама

---

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 1999 йил 5 февраль. 54-сон.

харажатлар таркибига киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади”<sup>12</sup>. Бизнингча, ушбу қараш ҳақиқатга яқин ҳисобланиб, биз ҳам ушбу фикрга қўшилаемиз ва ёғ-мой саноати корхоналарида харажатларни таснифлашда ушбу жиҳатларни ҳисобга оламиз.

### 1-жадвал

#### Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркиби бўйича таклиф<sup>13</sup>

Харажатлар таркиби	Таклиф
а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар	а) бевосита моддий харажатлар
б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари	б) бевосита меҳнат харажатлари
в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар	в) бошқа бевосита харажатлар
	г) билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар

**2-таклиф.** Ушбу Низомга мувофиқ, корхонада иқтисодий мазмунига кўра, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ташкил этувчи харажатларнинг гуруҳлари белгилаб берилган:

\* ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

\* ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

\* ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар

\* асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

\* ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар<sup>14</sup>.

Бизнинг фикримизча, Низомда маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларни иқтисодий мазмунига кўра гуруҳларга бўлинганда, худди, юқорида таклиф этилган харажатлар таркиби бўйича гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Мазкур харажатлар гуруҳидаги 2 ва 3-бандлар, яъни “Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари” ва “Ишлаб чиқаришга

<sup>12</sup> Набиев М.А. Автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотлар ва уларни сотиш ҳисобини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. -Т.: 2021. 17-бет.

<sup>13</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 1999 йил 5 февраль. 54-сон.

тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар” харажатлари бир-бири билан боғлиқ бўлганлиги, яъни ходимларга тўланган иш ҳақи қайси харажатларга олиб борилса, ижтимоий солиқ харажатлари ҳам, айнан ўша харажатларга олиб борилиши боис, ушбу бандларни бирлаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз ҳамда бугунги кунда, “ижтимоий суғуртага ажратмалар” атамаси ишлатилмаслиги боис, ушбу атамани “иқтимоий солиқ” атамасига ўзгартириш таклиф этилади. Бизнингча, ушбу икки харажатлар гуруҳини бирлаштирган ҳолда, **“Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий солиқ харажатлари”** деб номлаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, ушбу харажатлар гуруҳининг 4-бандидаги “асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси” номини ўзгартириш ва 21-сон БҲМСга мувофиқ “асосий фондлар” атамасини “асосий воситалар” атамаси билан алмаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарида сотиб олинган барча турдаги номоддий активлар аҳамиятига кўра, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш мақсадида олиниши боис, ушбу гуруҳдаги “ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар” атамасини “номоддий активлар” деб, номлашни тавсия қиламиз.

## 2-жадвал

### Иқтисодий мазмунига кўра, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ташкил этувчи харажатларнинг гуруҳлари бўйича таклиф<sup>15</sup>

Харажатлар гуруҳи	Таклиф
Ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чикитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);	Ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чикитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);
Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий солиқ харажатлари
Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар	
Асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси	Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси
Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар	Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, иқтисодий мазмунига кўра, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ташкил этувчи харажатларнинг ушбу гуруҳлари бўйича биз томонимиздан ишлаб чиқилган юқоридаги тавсиялар

<sup>15</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

“Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”ни мазмунан тўлдиришга ва такомиллаштиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Энди, юқоридаги бандда келтирилган харажатлар бўйича ёғ-мой саноати корхоналарининг фаолиятлари билан боғлиқ бўлган жиҳатларини белгилаб чиқамиз (3-жадвал):

## 3-жадвал

Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркиби бўйича жиҳатлар<sup>16</sup>

№	Харажатлар таркиби	Харажат турлари	Харажатларни тан олиш учун асос бўлувчи ҳужжат турлари
1	Ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);	* ўсимлик хом ашёси; * филтрли камар (филтер белтинг); * фаоллаштирилган оқартирувчи тушроқ; * катион алмаштиргич; * лимон кислотаси; * каустик сода; * ёдланган озиқ-овқат тузи; * филтрли камар; * катион алмаштиргич; * лимон кислотаси; * мембранали филтер; * филтрли камар; * ПЭТ преформа (капсула); * плёнка п/этилен; * кадоқ қошпоғи; * полимер тутқичлар; * этикетка; * кадоқ галстуғи; * гофрокоробка; * клей; * скотч.	* асосий омбор ва ишлаб чиқариш бўлимлари мудирларининг ҳисоботлари; * ишлаб чиқариш бўлимлари талабномалари; * ишлаб чиқариш бўлимлари ўртасидаги қабул қилиш-топшириш далолатномалари; * материалларни ҳисобдан чиқариш бўйича далолатномалар; * ишлаб чиқариш бўлимлари накладнойлари;
2	Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий солиқ харажатлари	* ишлаб чиқариш бўлимлари ходимларига ҳисобланган иш ҳақи; * ишлаб чиқариш бўлимлари ходимларига ҳисобланган меҳнат таътили; * ишлаб чиқариш бўлимлари ходимларига ҳисобланган иш ҳақи бўйича ижтимоий солиқ;	* ишлаб чиқариш бўлимлари нарядлари; * ишлаб чиқариш бўлимлари табеллари; * фармойиш ва буйруқлар; * ҳисоб қайдномалари; * ижтимоий солиқ ҳисоб-китоблари бўйича айланма қайдномаси;

<sup>16</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

		<ul style="list-style-type: none"> <li>* ишлаб чиқариш бўлимлари ходимларига ҳисобланган меҳнат таътили бўйича ижтимоий солиқ;</li> <li>* ишлаб чиқариш бўлимлари ходимларига ҳисобланган бошқа меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатлар;</li> <li>* ишлаб чиқариш бўлимлари ходимларига ҳисобланган бошқа меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ижтимоий солиқ.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>* солиқ ҳисоботлари, карточкаси ва акт-сверкаси;</li> <li>* тўлов қайдномалари;</li> <li>* банк пластик-карта реестрлари.</li> </ul>
3	Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси	<ul style="list-style-type: none"> <li>* ишлаб чиқариш бўлимларида фойдаланилаётган асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>* Амортизациялар бўйича айланма қайдномалари;</li> </ul>
4	Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>* совутиш жараёни бўйича харажатлар;</li> <li>* иссиқлик ва буғ бериш жараёни бўйича харажатлар;</li> <li>* электро-энергия бўйича харажатлар;</li> <li>* сув ва оқова бўйича харажатлар;</li> <li>* табиий газ бўйича харажатлар;</li> <li>* чиқиндиларни ташиш бўйича харажатлар;</li> <li>* мол-мулкни суғурталаш бўйича харажатлар;</li> <li>* машина ва асбоб-ускуналарни сақлаш бўйича харажатлар;</li> <li>* машина ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш бўйича харажатлар;</li> <li>* машина ва асбоб-ускуналарнинг бутлигини таъминлаш бўйича харажатлар;</li> <li>* бошқа харажатлар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>* таъминотчилардан олинган ҳисоб-фактуралар;</li> <li>* ҳисобдан чиқариш далолатномалари;</li> <li>* бошқа бухгалтерия хужжатлари.</li> </ul>

Тадқиқотлар давомида, ёғ-мой саноати корхоналарида маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркиби бўйича таклиф этилган ушбу жиҳатлар ушбу тармоқ корхоналарида харажатлар ҳисобини такомиллаштиришга хизмат қилади.

### **2-жиҳат.** Маҳсулот таннархини ҳисоблаш бўйича таклифлар.

Олдинги бобларда келтирилган тадқиқот натижаларидан маълумки, ёғ-мой саноати корхоналарида биргаликда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар асосий, ёндош ва ёрдамчи маҳсулот турларига бўлинади. Ушбу маҳсулот турлари турли хил ўлчов бирликларида ва турли хил кўринишда сотилади.



Мисол, асосий маҳсулот ҳисобланган ёғлар турли ўлчамдаги, жумладан 1 литрлик, 3 литрлик, 5 литрлик қадоқланган идишларда сотилади. Шунингдек, ёндош маҳсулотлар ҳисобланган пахта шелухаси, шрот маҳсулотлари тонналарда, ёрдамчи маҳсулотлар ҳисобланган соапстоклар литрларда, қадоқланмаган ҳолатда сотилади. Бундан кўриниб турибдики, ёғ-мой саноати корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар турли хил кўриниш ва ўлчовларда сотилсада, бироқ ушбу маҳсулотларни аниқ бир ўлчов бирликларида калькуляция қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Мисол, ёғларни қадоқланган идишларнинг турлари бўйича эмас, балки бир литр ёғга тўғри келадиган маҳсулот таннархини ҳисоб-китоб қилиш талаб этилади.

Биз томонимиздан ёғ-мой саноати корхоналарида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган “Ёғ-мой саноати корхоналарида маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом” лойиҳаси корхоналарда ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ҳисобга олишга, бевосита ва билвосита харажатларни маҳсулот таннархига олиб бориш тартибларини аниқлашга ва ҳисоблашга, шунингдек молиявий ҳисобот шаклларида шаффоф акс эттиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, хорижий ва маҳаллий адабиётларда келтирилган “ишлаб чиқариш харажатлари”, “маҳсулот таннархи” бўйича таърифлар ўрганилди. Айтиш мумкинки, олимлар томонидан берилган таърифлар муҳим аҳамият касб этсада, бироқ ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган яхлит бир таъриф мавжуд эмас.

Иккинчидан, олиб борилган тадқиқот натижалари асосида, ёғ-мой саноати корхоналари фаолиятларини тартибга солиш учун мўлжалланган “Ёғ-мой саноати корхоналарида маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом” лойиҳаси ишлаб чиқилди. биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва тавсия этилган ушбу Низом ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини уларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳисобга олишга, ишлаб чиқариш жараёнидаги бевосита ва билвосита харажатларни маҳсулот таннархига олиб

бориш тартибларини аниқлашга, шунингдек молиявий ҳисобот шаклларида ушбу жараён натижаларини реал акс эттиришга муайян даражада хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, ушбу тадқиқот натижалари бухгалтерия ҳисобини назарий ва методологик асосларини такомиллаштиришга муайян даражада хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 1999 йил 5 февраль. 54-сон.

2. Management Accounting. Study material prepared by ICWAI for J.A.O. (CIVIL) examination. [https://cga.nic.in/writereaddata/management\\_accounting.pdf](https://cga.nic.in/writereaddata/management_accounting.pdf)

3. Соколов Я.В. Управленческий учет: Учебное пособие / под ред. Я.В.Соколова.— М.: Магистр, 2012 .— 431 с. — (Бакалавриат) .— ISBN 978-5-9776-0077-4.

4. Набиев М.А. Автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотлар ва уларни сотиш ҳисобини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. -Т.: 2021. 17-бет.

5. <https://glavkniga.ru/situations/s505405#>